O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 30 январь, № 21 (4174) Сешанба

# ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ – АМАЛДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 январь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни қабул қилди.***



Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Россиялик дипломат Президентимиз Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширган 2003 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда янги давр бошланаётган эди. Россия Президенти Владимир Путиннинг 2004 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Орадан бир йил ўтиб, 2005 йилнинг ноябрида Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Бу билан икки томонлама алоқаларни энг олий даражага кўтариш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон ва Россия қарийб барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириб келмоқда. Давлат раҳбарларининг учрашувларида ўзаро муносабатларга доир масалаларга, халқаро ва минтақавий муаммоларга нисбатан икки томоннинг қарашлари бир хил ёки яқин эканлиги қайд этилади. Бундай ҳамфикрлик ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий алоқалар фаоллашувининг амалий натижаси сифатида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан "Газпром" очиқ акционерлик жамияти ўртасидаги келишувни келтириш мумкин. "Газпром" Ўзбекистон нефть-газ саноатига 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишни режалаштирган. Бундан ташқари, "Лукойл" (нефть-газ), РУСАЛ (алюминий), "Вим-Билль-Дан" (озиқ-овқат) каби йирик компаниялар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2006 йил мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми икки миллиард АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасида ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ҳам йилдан-йил фаоллашмоқда.

Ўзбекистоннинг "Фориш" полигонида ҳамда Россиянинг Краснодар ўлкасида ўтказилган аксилтеррор машқлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон-Россия муносабатларининг ҳозирги тараққиёт босқичи икки мамлакат Президентларининг учрашувларида эришилган келишувларнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир. Бу келишувларни амалиётга татбиқ этишда кўплаб соҳалар вакиллари самарали меҳнат қилаётганини таъкидламоқ жоиз. Жумладан, Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси Фарит Мухаметшин икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Учрашувда Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасида илмий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинга Ватанимизнинг "Дўстлик" орденини топширди.

Ф.Мухаметшин юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратини аямаслигини, бу масъулиятли ишни ўзи учун катта шараф, деб билишини таъкидлади.

**(ЎзА).**

# «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Сизларни қутлуғ сана — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 15 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.*

*Ўтган йиллар мобайнида сифат жиҳатидан мутлақо янги, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган Миллий авиакомпаниямизни шакллантириш борасида кенг кўламли, улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Бу ҳақли равишда юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.*

*Ўзбекистон фуқаро авиакомпаниясини ривожлантириш бўйича пухта ўйланган узоқ муддатли стратегиянинг жорий этилиши, авиакомпания жамоасининг фидокорона меҳнати ва юксак профессионал маҳорати туфайли сизларнинг корхонангиз мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ҳаво орқали йўловчилар ва юк ташиш ҳамда авиация хизмати кўрсатиш тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.*

*Соҳани тубдан ислоҳ қилиш, унинг ташкилий тузилмаси, бошқарув тизими ва менежмент ишларини такомиллаштириш, уларни замон талаблари даражасига кўтариш, самолёт паркини замонавий ҳаво кемалари билан тўлдириш борасида катта ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Навигация тизими такомиллаштирилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими жорий этилди, авиакомпания учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича зарур база яратилди.*

*Бугунги кунда республикамиздаги деярли барча аэропортлар модернизация қилинди ва улар йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатмоқда. Бунинг натижасида уларнинг бештаси «Халқаро аэропорт» мақомига сазовор бўлди. Авиакомпания қошида энг замонавий авиация техникаларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган марказ ташкил этилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда.*

*Шуни ғурур билан таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган авиалайнерлар бугун дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатига — Ер куррасининг деярли барча минтақаларига парвоз қилмоқда. Биргина 2006 йилнинг ўзида авиакомпания томонидан 1 миллион 700 минг нафар йўловчи ва 20 минг тоннадан ортиқ юк ташилгани ҳам унинг муваффақиятларидан далолат беради.*

*Муҳтарам дўстлар!*

*Юртимизда ҳаво флоти ходими деган қийин ва мардонавор касб эгалари ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовордир. Сизларнинг ҳар бирингиз — учувчи ва штурманлар, муҳандис ва техниклар, борт кузатувчилари, ер усти хизмати диспетчерлари ва мутахассисларининг парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар учун қулай шароитлар яратиш борасидаги фидокорона меҳнатингизни барчамиз юксак қадрлаймиз.*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимиз нуфузи ва қудратини ошириш йўлида қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳам алоҳида эътибор ва таҳсинга лойиқдир.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Миллий авиакомпаниямизнинг кўпмиллатли аҳил жамоасига ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Сизларнинг барчангизга машаққатли ва олижаноб меҳнатингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.*

*Мусаффо осмон, мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азизларим!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Жаноби Олийлари!*

*Япония ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 15 йиллик санаси, ҳақиқатан ҳам унутилмас воқеадир.*

*Бундан 15 йил аввал ўрнатилган икки томонлама муносабатлар бугунги кунда ҳам муваффақиятли ривожланмоқда.*

*Ўтган йили собиқ бош вазир Жюньичиро Коидзуми Ўзбекистонга ташриф буюрган Япониянинг биринчи бош вазири сифатида мамлакатингизда бўлган эди.*

*Ташриф чоғида унинг Сиз Жаноби Олийлари билан ўтказган самарали музокаралари икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши ва сифат жиҳатидан янада юксак даражага кўтарилишида муҳим ўрин тутди.*

*Япония ва Ўзбекистон 2004 йилдан бошлаб Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларнинг асоси ҳисобланган "Марказий Осиё + Япония" мулоқоти доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.*

*Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик кўп томонлама хусусият касб этиб, икки томонлама муносабатлар доирасини янада кенгайтирди, бу эса бутун минтақада барқарорлик ҳамда фаровонликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.*

*Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган самимий дўстлик муносабатларига таянган ҳолда, Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилишга тайёрлигимни ва бундан буён ҳам Сиз Жаноби Олийлари билан яқин ҳамкорликни давом эттириш ниятида эканимни изҳор этмоқчиман.*

*Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.*

**Шинзо АБЭ,**
**Япония Бош вазири.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди. У "Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикасининг халқаро транспорт тизими билан янада интеграциялашуви ва мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланишининг асоси" мавзусига бағишланди.

### Йўллар тўғрисида ҳуқуқий мажмуа

Таъкидланганидек, автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш иқтисодиётнинг барқарор ва тез ривожланишига, республиканинг мудофаа қобилияти ва аҳолининг ҳаёт даражаси ошишига ёрдам бериши, шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига тўғри келиши, юклар ҳамда йўловчиларни ташишдаги эҳтиёжларни қондириши керак. Шу боис, давра суҳбати иштирокчилари йўл тизимининг яқин келажакда ривожланиш стратегиясини белгилаб берган мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги 535-сонли Қарори катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этишди. Улар ушбу

(Давоми 2-бетда).

# ОЛДИНДА ЯНГИ МАРРАЛАР, ЯНГИ УФҚЛАР



**"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ўзининг ўн беш йиллигини нишонламоқда. Мазкур компания қисқа вақт ичида қитъанинг ишончли ва жадал ривожланиб бораётган авиакомпаниялари қаторидан жой олди ҳамда халқаро авиаташувлар бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллади. Миллий авиакомпаниямиз мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли соҳадаислоҳотларни изчил амалга ошириб, фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.**

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, жаҳон андозаларига мос замонавий моддий-техник база ва юқори малакали кадрларга эга қудратли фуқаро авиациясини ташкил этишга муваффақ бўлди.

Тошкентда ушбу сана муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда компаниянинг ўтган йилларда қўлга киритган ютуқлари, уни ривожлантиришнинг янги истиқболлари ҳақида сўз юритилди. Унда авиакомпания, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ўқиб эшиттирди.

Ўтган йиллар давомида ҳаво кемалари парки модернизация қилинди, Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича янги мажмуа ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилинди. Ўзбекистон ҳудудида навигация тизими такомиллаштирилди. Бу тизим парвозларни бошқаришнинг МДҲдаги энг яхши тизими сифатида тан олинган. Ўзимизда юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган база шакллантирилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими ишлаб чиқилди. Ушбу улкан вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонга жаҳон авиатранспорт тизимига қўшилиш ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш имконини берди.

Бугун бортида Ўзбекистон байроғи акс эттирилган самолётларимиз дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвоз қилаётир, компаниянинг 24 мамлакатда 43 ваколатхонаси, ўнлаб ҳамкор компания ва фирмалари мавжуд. Улар билан 60 дан зиёд халқаро шартномалар имзоланган. Амалга оширилган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, жаҳон фуқаро авиациясининг энг сўнгги янгиликларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон ҳаво транспорти тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бирига айланди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" ўз фаолияти давомида парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш борасида бир неча бор нуфузли мукофотларга сазовор бўлди. Бу фуқаро авиацияси соҳасида Ўзбекистон танлаган стратегия тўғрилигининг яққол тасдиғидир.

Самолётлар парки Боинг-767-300ER, Боинг-757-200, А-310, RJ-85 ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 замонавий ҳаво кемалари билан тўлдирилди. Янги лайнерлар авиакомпанияга юқори даражали сервис хизмати кўрсатиш ва парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, авиаёқилғи сарфини анча камайтириб, авиаташувларнинг асосий қисмини бажариш имконини берди.

"Uzbekistan Airways Technics" таъмирлаш авиакорхонаси ва унинг Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази Миллий авиакомпаниянинг асосий тузилмаларидандир. У компаниянинг ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш эҳтиёжини ва бошқа авиакомпаниялар буюртмасини бажаришни тўлиқ таъминламоқда. Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатишнинг мураккаб турларини бажаришга қодир провайдер ҳисобланади ва бу хизматлардан бошқа минтақалардаги авиаташувчилар ҳам кенг фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, авиакомпания парвозлар хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу иш билан барча хизматлар, жумладан, МДҲда ягона замонавий "Ўзаэронавигация" маркази шуғулланмоқда.

Айни вақтда, Миллий авиакомпаниянинг бошқа бўлимларида ҳам техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, миллий авиациямизни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун компаниянинг бир гуруҳ ходимлари юксак давлат мукофотлари ва фахрли унвонларга сазовор бўлди.

Тақдирланганларга ушбу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Миллий авиакомпаниянинг парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекцияси бош штурмани Станислав Гурфинкель Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон фуқаро авиациясини ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, миллий авиациямизни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»**

**Палванов Эгамберген Машарипович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бош директорининг биринчи ўринбосари

**Расулов Мўмин Заирович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» учувчилар отряди командири ўринбосари

*Ҳаво транспорти соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, замонавий авиацияни ривожлантириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда эришган ютуқлари, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш ишига қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Вахабов Мирзаанвар** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Ердаги иншоотлардан фойдаланиш ва аэропортларни бошқариш департаменти директори

**Ибрагимов Закирхан Фазилханович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси директори

**Салимов Сергей Мартиевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг цех бошлиғи

**Худойкулов Шакир Ражаболиевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси 3-учувчилар отряди командири

**«Дўстлик» ордени билан**

**Вялков Александр Сергеевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг йиғувчи-парчинловчиси

**Ли Константин Евгеньевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси директорининг ўринбосари

**Нарходжаев Бахром Маннапович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» учувчилар отрядининг учувчи-йўриқчиси

**Томская Наталья Владимировна** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси дирекциясининг молия-иқтисод департаменти ҳисоблаш маркази бошлиғи

**«Шуҳрат» медали билан**

**Гурфинкель Станислав Михайлович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекцияси бош штурмани

**Дильмухамедов Эмиль Кушкарович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» маркази Нукус ҳудудий бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари

**Ишмахамедов Тожибай Адхамович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» учувчилар отряди учувчи-йўриқчиси

**Клеблеев Гани Рустамович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг цех бошлиғи

**Лебёдкин Владимир Михайлович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонасининг махсус транспорт хизмати бошлиғи

**Махкамов Эргаш** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Тошкент авиация-техника базасининг цех бошлиғи

**Таджибаев Рустамжон** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» компаниясининг Наманган авиаэскадрильяси командири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 январь

### ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ КЎЛАМЛАРИ КЕНГАЯДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Сингапурга буюрган давлат ташрифи якунларини хорижий давлатларнинг жамоат ва сиёсат арбоблари, мутахассислар, эксперт ва таҳлилчилар ана шундай шарҳламоқда. Қайд этилишича, ушбу ташриф Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш асносида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини изчил ва фаол олиб бораётганидан далолатдир.*

**Япония бош вазирининг махсус маслаҳатчиси, Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним**нинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон раҳбарининг Сингапурга илк давлат ташрифини Япония расмий ва ишбилармон доиралари юксак баҳолашди.

— Биз ишонамизки, ташриф якунлари Сингапурнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратади, — дейди Накаяма хоним. – Президент Ислом Каримовнинг ташрифи ҳар икки мамлакат учун ҳам стратегик аҳамиятга моликдир. Энергетика соҳасидаги лойиҳаларни рўёбга чиқариш Сингапур иқтисодиётида муҳим ҳаётий ўрин тутади. Шу маънода, Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон жуда истиқболли ҳамкор ҳисобланади.

**Сингапур иқтисодий тараққиёт бошқармасининг Токиодаги бўлими вакили Гиан Йи-Хсен** фикрига кўра, Президент Ислом Каримовнинг ташрифи Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ўзаро муносабатларда кўп томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш учун ажойиб истиқболлар очилишида янги давр бўлади.

— Сингапур Марказий Осиёдан бир қадар узоқда жойлашганига қарамай, Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор, бу бизга Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари бозорларига "дарвоза" очиш учун ҳам хизмат қилади, — деди Гиан Йи-Хсен.

"Шу боис Ўзбекистондаги минерал ва хомашё базаси ҳамда ёқилғи-энергетика захиралари Сингапурдаги йирик сармоядорларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади", деб ҳисоблайди сингапурлик иқтисодчи.

— Томонларнинг технология ва мутахассислар алмашувини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш ниятида эканини ҳам ташрифнинг муҳим натижаларидан ҳисобланадики, ўз навбатида бу ҳамкорликнинг кўпгина йўналишларида дўстона ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашади, — деди Гиан Йи-Хсен.

**"Корея Таймс" газетаси бўлим мудири Шин Жин Ёнг** Ўзбекистон етакчисининг давлат ташрифи билан Сингапурда бўлиши жуда тўғри танлов бўлганига ишончи комил эканлигини айтди.

— Осиёдаги юксак суръатда ривожланиб бораётган мамлакатлардан бири бўлган Сингапур амалда ҳеч қандай табиий захираларига эга бўлмай туриб, тўғри танланган стратегик тараққиёт асосида жаҳоннинг йирик молиявий марказларидан бирига айланди, — дейди кореялик журналист. — Саноатининг замонавий тармоқлари, хусусан, энг юқори технологиялар соҳаси муваффақиятли ривожланмоқда. Сингапур аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромади бўйича жаҳондаги энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Шу билан бирга, мамлакат мустаҳкам демократик институтлари ва бозор иқтисодиётига содиқлиги билан ҳам ажралиб туради. Ўзбекистоннинг Сингапур билан кўп томонлама яқин ҳамкорлик ўрнатиши Тошкент амалга ошираётган иқтисодий ва демократик ўзгаришларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишга ҳамда Ўзбекистоннинг Осиёдаги ривожланган давлатлар билан иқтисодий муносабатларида интеграциялашувига имкон беради.

**Таниқли сиёсатчи, Кореянинг собиқ Адлия вазири Канг Ким Шил хоним** 2007 йилда Ўзбекистон етакчиси бошлаган хорижий ташриф дастури Осиёнинг энг юксак тараққий этган давлатларидан бирига бағишланганига эътибор қаратди.

— Ўйлашимча, Сингапур бежизга танланмаган, — дея қайд этди Канг Ким Шил. — Ўзбекистон Президенти ҳамкор танлашга ҳамиша жуда чуқур ва пухта ўйлаган ҳолда ёндошади. Сингапурга ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Осиё йўналишидаги келгуси саъй-ҳаракатларини белгилаб беради. Бу эса жуда мақсадга мувофиқдир. Зеро, Ўзбекистон қизиқиш билдираётган сармоялар ва технологияларнинг асосий манбалари айнан шу минтақада тўпланган.

**Илмий тадқиқотлар Миллий маркази (CNRS) тадқиқот гуруҳининг раҳбари, Париж университети профессори Сюд П.Г.Фурнье** Ўзбекистон ва Сингапур раҳбарларининг учрашуви мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга турткi беришига ишонч билдирди.

— Европа Ўзбекистон ва Сингапур, яъни Марказий Осиё ва Жануби-Шарқий Осиёдаги етакчи мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган битимнинг имзоланганидан фақат хурсанд бўлиши мумкин.

"Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи республиканинг Осиё йўналишига юқори устуворлигидан далолат беради, — дейди **Россия сиёсий конъюктура марказининг ташқи сиёсат бўйича эксперти Евгений Войко**. — Шуниси диққатга сазоворки, айнан Сингапур томони мазкур учрашувнинг ташаббускори бўлди. Бу эса ўзаро икки томонлама манфаатдан, яъни "Сингапур мўъжизаси"нинг ўзбек томони учун жозибадорлиги ҳамда Сингапурнинг Марказий Осиёдаги энг муҳим давлат билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишга бўлган истагидан далолат беради.

Сингапур билан алоқаларни жадаллаштириш, шубҳасиз, ўзбек иқтисодиётининг кўпгина тармоқлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Энергетика соҳасидаги ҳамкорликдан ташқари Ўзбекистон Сингапур учун сайёҳлик нуқтаи назаридан ҳам қизиқарли бўлиши мумкин. Ўзбекистон сайёҳлик инфратузилмасини сармоялаш республикада бутун дунёга машҳур тарихий меъморчилик ёдгорликлари мавжуд бўлгани боис сингапурлик тадбиркорлар учун жуда жозибадор бўлиши мумкин".

**Гамбург университетининг (ГФР) Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйича эксперти, профессор М.Пул**нинг ҳисоблашича, айниқса Сингапурнинг халқаро савдо соҳасидаги етакчи ўрни ҳисобга олинадиган бўлса, бу мамлакат билан ҳамкорликнинг самараси катта бўлади.

— Ўзбекистон ҳам ўзининг томонидан минтақада муҳим геосиёсий ўрнига, табиий ресурсларнинг катта захираси ҳамда иқтисодий ривожланиш борасидаги улкан салоҳиятига эга, — дейди эксперт. — Бундан ташқари, сиёсий барқарорлик ҳамда иқтисодиёт муҳим тармоқларининг изчил ривожланиши ўзбек иқтисодиёти жозибадорлигини фақат оширади. Бу Тошкентнинг Сингапур компанияларига таклиф этадиган нарсаси бор, деган гапдир.

Профессорнинг фикрича, Сингапур яна шунинг учун ҳам Ўзбекистонга "тўғри шерик" ҳисобланадики, томонлар халқаро сиёсатнинг қатор долзарб муаммолари юзасидан яқин нуқтаи назарларга эга. "Бундан ташқари, Сингапур ҳам, Тошкент ҳам халқаро сиёсий ва иқтисодий масалаларда ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга ҳамда улар ўзларининг сиёсий ва демократик тизимини ривожлантирмоқда", деб таъкидлади олим.

**Брюссель университети профессори, Бельгия Археология академиясининг аъзоси Ж. Бланкофф**нинг фикр билдиришича, халқаро сиёсий ва иқтисодий саҳнадаги ҳозирги вазият ҳисобга олинадиган бўлса, Ўзбекистон раҳбарининг Сингапурга ташрифи алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир.

— Ўзбекистоннинг ўз иқтисодиётига бир миллиард доллардан зиёд миқдордаги Сингапур сармояларини жалб этишга бўлган интилиши мамлакатнинг ҳамкорлик истиқболига ишончидан ҳамда сингапурлик бизнесменлар учун аниқ-равшан таклифлари мавжуд эканлигидан далолат беради, — деди олим.

**"Жаҳон" АА.**




ТАШКИЛОТ

ҚУРИЛИШ ВА ЕР ҚАЗИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ, ЖУМЛАДАН

САМОСВАЛ, ЮКЛАГИЧ (ПОГРУЗЧИК) КРАН ВА ЭКСКАВАТОРЛАРНИ

СОТИБ ОЛАДИ.

Таклифлар учун телефон: (371) 120-66-20. Факс: (371) 120-66-30.

Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, сотиб олинг ва мулкдор бўлинг!

«INTERREGIONSERVIS» масъулияти чекланган жамияти Республика кўчмас мулк биржаси электрон биржа савдоларига таклиф этади ва қуйидаги мулклар биржа савдоларига қўйилганлигини маълум қилади:

**Наманган вилояти хўжалик судининг 2004 йил 20 июлдаги 16-0406-1224-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Наманганконсерва» акциядорлик жамиятининг мол-мулклари мужассам ҳолда бошланғич қиймати — 660 000 000 сўм.**

*Имкониятингизни қўлдан бой берманг, азизлар! Кўчмас мулк — кетмас давлат!*

Брокерлик идораси манзили: Наманган ш., Тошкент к., 1-уй. Телефонлар: 8 369 226-54-47, 8 590 214-60-14.

*Фирма қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаради. Тўлов шакли — нақд ва пул ўтказиш йўли билан.*

**Телефон: 340-99-37.**


*Ўзбекистон Республикаси Олий судида Олий суд раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарди. Раёсат йиғилишида умумий юрисдикция судларининг 2006 йилдаги фаолияти ва 2007 йилда суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокама этилди.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Раёсат йиғилишида таъкидландики, 2006 йилда умумий юрисдикция судлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, ўтган йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 420 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилиб, уларнинг 96 фоизга яқини бўйича даъво талаблари қаноатлантирилиб, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланган ва уларнинг фойдасига 26,2 миллиард сўм моддий, 3,6 миллиард сўм маънавий зарар, шунингдек, республика бюджетига 455,3 миллион сўм давлат божи ундирилган. Шу жумладан, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш юзасидан 300 дан ортиқ даъво қаноатлантирилиб, 40,3 миллион сўм моддий ва 24,8 миллион сўм маънавий зарар ундирилган.

Бу эса ўтмишда судни "жазоловчи орган" деб билган "халқимизнинг ҳуқуқий билими, судларга нисбатан ишончи ортаётганининг ёрқин далилидир.

Раёсат йиғилишида қайд этилдики, ушбу давр мобайнида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатлари ва сифати яхшиланган. 2000 йилда умумий судланганларнинг 47,2 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири — "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилингач, 2006 йилда бу кўрсаткич атиги 28,7 фоизни ташкил этган. Бошқача айтганда, 71,3 фоиз судланганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиб, улар оиласи, жамоаси бағрида қолган. Содир этилган иқтисодий жиноятлар оқибатида етказилган зарарнинг 33 миллиард сўмдан ортиғини ихтиёрий равишда қоплаган тўққиз минг нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан яна бир муҳими — ярашув институтининг қабул этилиши натижасида 2006 йилда 12,605 нафар шахсга нисбатан 11,503 та жиноят иши тугатилган бўлса, бу институт амалиётга жорий қилинганидан бугунги кунга қадар 54 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиб, "судланган" деган номни кўтариб юришдан халос бўлган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи ҳам судлар фаолиятида алоҳида ўрин тутган бўлиб, бу борада даврий матбуот ва оммавий ахборот воситаларида 3 мингдан ортиқ чиқиш қилинган.

Шунингдек, йиғилишда одил судловни амалга оширишда, адолатни қарор топтиришда хато-камчиликларга йўл қўйганлиги учун 61 нафар судьяга нисбатан тегишли интизомий таъсир чоралари қўлланилганлиги, 2 нафар судьянинг судьялик ваколати муддатидан илгари тугатилганлиги, 2 нафар судья эса жиноий жавобгарликка тортилганлиги қайд этилиб, бу борада тарбиявий ишлар етарли даражада олиб борилмаганлиги ва кадрлар билан ишлаш тўғри ташкил этилмаганлиги сабабли айрим вилоят суди раҳбарлари қаттиқ танқид остига олинди. Келгусида барча судьялардан ўзларига юклатилган вазифасини холис, қонуний ва адолатли ҳал этиш, судьялик этикасига қатъий риоя қилиш юзасидан аниқ талаблар қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлари ҳар бир судья зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланиб, бу борада судья кадрларни тайёрлаш ва ягона суд амалиётини шакллантириш механизмини барпо этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Раёсат мажлиси якунида судья ва суд ходимларининг масъулиятини янада ошириш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини юксалтириш, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш, ҳар бир ишни қонун талаби асосида холис ва адолатли кўриб чиқиш суднинг обрў-эътиборини оширадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**


IPOTEKA BANK



Харид учун чоғландингизми?

Карточкангизни унутманг

Ипотекабанк пластик карточкалари – бу сизнинг маҳсулотлар харид килишдаги янги имкониятингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари таклиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 14000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматингизда.



Хизматлар лицензияланган


## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти)нинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

*суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларни танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади.*

### 1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 93-уй) 2007 йил 2 март кунидан ҳар куни соат 10.00 да бошланиб, соат 17.00 га қадар амалга оширилади:

— Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод, Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Зангиота тумани ҳудудлари бўйича — 2007 йил 2 март куни;

— Тошкент, Қибрай, Янгийўл, Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Оҳангарон туманлари ҳудудлари бўйича — 2007 йил 3 март куни;

— Бўка, Чиноз, Юқоричирчиқ, Бекобод, Оққўрғон, Пскент, Паркент туманлари ҳудудлари бўйича 2007 йил 5 март куни танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

### 2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

**Қуйидаги юридик шахслар танловда қатнашишга қўйилмайдилар:**

- *қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;*
- *олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;*
- *охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.*

**Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:**

- *истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят, туман, шаҳар марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);*
- *мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;*
- *мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;*
- *мавжуд яроқли техникаси;*
- *ходимларининг малакаси ва иш тажрибаси;*
- *кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.*

### 3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;
- савдо ташкилотида назорат-касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;
- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;
- талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10% дан кўп бўлмаган миқдорда).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса, унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туман (шаҳар)га яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

### 4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатлар қабул қилиниши ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатларни Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бионсида (**Тошкент ш., У.Носир к., 93-уй, тел.: 362-28-57, 362-98-20, 363-53-09**) комиссия ишчи органи ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан 2007 йил 25 февраль кунига қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан курьер ёки алоқа бўлими орқали муҳрланган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов»га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

